

Шайх Муҳаммад Аднонинг Бухоро бўйлаб зиёратлари



20:16 / 28.12.2019 1822

Аввал хабар қилганимиздек машҳур фақиҳ, усулий аллома шайх Муҳаммад Аднон ибн Ёсин Дарвиш ҳафизаҳуллоҳ Самарқанд бўйлаб зиёратни бошлаган эдилар. У ердаги Шоҳи Зинда мажмуаси зиёратидан сўнг, меҳмонларнинг Самарқанд бўйлаб қилган сафарлари ўз якунига етди.

Бугун 28 декабрь кун шайх Муҳаммад Аднон ҳафизаҳуллоҳ бошчилигидаги меҳмонлар Бухорога етиб келишди. Меҳмонларнинг Бухоро шаҳридаги сафарлари Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг зиёратларидан бошланди. Кейин зиёратгоҳ ёнида жойлашган Улуғбек мадрасаси билан яқиндан танишдилар.

Сўнгра Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига ташриф буюрилди.

Кейин имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг таваллуд топган ерларига ташриф буюришди.

Маълумки, бу жойнинг ёнида «Шайх Зайниддин» жоме масжиди қад ростлаган. Сафар чоғи давомида аллома шайх Муҳаммад Аднон ибн Ёсин Дарвиш ҳафизахуллоҳ ушбу масжид ва имом Бухорийнинг туғилиб ўсган жойлари ҳақидаги маълумотлар билан яқиндан танишдилар ва улуғ муҳаддисни марқадларини зиёрат қилдилар. Сўнгра, «Мир араб» мадрасасига ҳам ташриф буюрдилар.

Сафар жараёнини биз билан кузатиб боринг.













Islom.uz портали тахририяти